

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 1 март, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 42 (10.851)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

- **КЕЧА** шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар ва хунармандлар ўртасида ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.
- **БУГУН** 2-Республика тиббиёт коллежиди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш жамияти федерацияси томонидан уюштирилган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2007» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.
- **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Зулфияноним қизлари» мавзусида ўтказилган мушоира кечасида иқтидорли талаба қизлар беллашди.
- **КЕЧА** Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида талабалар, ўқитувчилар, шoirлар ва адабиёт ишлари томонидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адабий кеча уюштирилди.
- **ЎТГАН** кунни Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида Халқ таълими вазири хамда шаҳримиздаги наشريётлар ходимлари, олий ўқув юртлирининг профессор ўқитувчилари иштирокида уюштирилган тадбир «Ахборот кунни» доирасида ташкил этилди.
- **ЎТГАН** кунни Учтепа туманида туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими хамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида қизлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари «Баҳор маликалари» деб номланди.
- **БУГУН** Хамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида тасвирий санъат тўғрисида аълолари томонидан тайёрланган «Ўзбекистон — жонажон ўлка» мавзусидаги расмлар кўрик-танлови намойиш этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва ўз мухбирлари-
миз хабарларидан).

Ёшлар— келажакимиз БОЛАЖОНЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПАДИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОД
КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ДИҚҚАТГА
САЗОВОР БЎЛМОҚДА.
ЁШЛАРНИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ,
САНЪАТНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА
ИҚТИДОРЛАРИНИ ОШИРИШ
МАҚСАДИДА ШАҲРИМИЗДА БИР
ҚАТОР САНЪАТ МАКТАБЛАРИ,
БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙЛАРИ
ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАНЛИГИ
ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИДИР.**


Яқинда Мирзо Улуғбек туманида ёшларнинг буш вақтларини унумли ўтказиш, ўзла-

хунармандчилик, шахмат, хорижий тиллар, тасвирий санъат, хореография, мусиқа ва вокаль, ёш қаламкашлар, интеллектуал ўйинлар хамда театр студиялари фаолият олиб боради. Бу тўғрисида 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилиниб, уларга юқори малакали мутахассис-мураббийлар сабоқ беришади. Шунинг таъкидлаш керакки, марказда ҳар бир хона замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари марказда ёш расмолар галереяси мавжуд бўлиб, келгусида ёшлар ижоди билан тўлдириб борилади. Шунингдек, турли хилдаги китобларга эга бой кутубхона ҳам фаолият кўрсатади. Санъат ва болалар ижодиёти марказида болаларнинг ҳар томонлама



ри қизиққан соҳада билимларини ошириш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан қайта таъмирланиб, бутунлай янги қиёфага эга бўлган «Янги авлод форуми» санъат ва болалар ижодиёти марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур жамғарма ёшларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг иқтидорларини ривожлантириш мақсадида навбатдаги лойиҳасини амалга оширди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган ушбу марказда амалий санъат, миллий

етук ва комил инсон бўлиб вояга етишлари учун турли хил маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, ижодий учрашувлар, мусиқали кечалар, танловлар ўтказиш, шахмат ва компьютер технологиялари бўйича олимпиадалар ўтказиш режалаштирилган. Шуниси қувонарлики, марказда барча машғулотлар bepул ўтилади. Марказни ташкил қилишдан мақсад ҳам ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, уларни миллий анъана ва урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида



тарбиялаш, иқтидорларини ривожлантиришдан иборат. Бундан марказлар бугунги кунда Тошкент шаҳрида ва Самарқандда очилиб, ўз фаолиятини бошлади. Келгусида жамғарма томонидан бу каби марказлар яна қўллаб-қувватлаш режалаштирилмоқда.

**Дилором ИКРОВОВА
СУРАТЛАРДА: «Янги авлод форуми»
болалар санъати ва ижодиёти марказидан лавҳалар.**

Наталья Семёнова олган суратлар

ҚАДАМИНГ КЎТЛҮГ КЕЛСИН, БАҲОРИМ!

Мени тонг уйғотди. Тонгги кўшиқ уйғотди.

Новдаларни безаб гўнчалар,
Тонгда айтди шамол отини.
Ва шаббодда қўғурғил саҳар,
Олиб кетди гулнинг тотини.

Айтинг, баҳорни бундан ортқ таърифлаб бўладими? Сўз муҳри, тарона сеҳри шу қадар мазмундор бўладимики, у янги, ўйноқ шўх шаббодда янглиғ баҳор манзарасини буй-баста билан қўз олдингизга келтириб қўя қолса. Ҳар гал радио тўлқинлари ёки телевидение кўрсатувлари орқали қўғурғиллар ажабтоғур бир ҳис баъилшоғи шу қўғурғил тинчлаганида исми-жисминда бир қадар тетиклик сезасан, баҳор нафаси уфуратганини, у мана-мана останада турганини дил-дилдан ҳис этасан.

**Ҳар баҳорда шу бўлар тақрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.**

Зар мисол, заргар мисол терилган ушбу сатрлар бутун вужудингни қамраб олиб, беихтиёр сени хаёлга толдиради. Уйлайсан, уйланасан.

Дунё чархалаги айланиб йил сайин тўрт фасл навбатма-навбат келаверилади. Ҳар бирининг ўзига яраша хислати, фазилати бор. Зеро, ёз тафти, қиш завоқи, куз саховати қўқлам нафисасидан қилиш-масад-да, барибир ҳаммаша-хамрўз фасллар орасида энг ғусунқорли бўлиши баҳорни соғинч ила интиқлик билан кутасан. Нега? Нимага? Балки баҳор табиятининг уйғониш фасли, мудроқ ерларга жон бағишлаши, инсон қалбига ийликлик киритиб, оламга ёруғлик, гўзаллик нурини сочиши билан ҳам ошуфта қўғилларга яқиндир. Балки қайсидир фасллар қимларининг табиятига мос ва хос келар. Лекин нурафшон баҳор барча учун бирдек ёқимли. Унга нафақат инсон боласи, балки бутун борлиқ пешвоз чиқади. Баҳор ёш танламайди. Кексаю ёшга бир олам завоқ-шавоқ, қўч-қувват бағишлаб, ўзига, далага чорлайди.

**Баҳор келса, алвон-алвон очилгай
гуллар.**



**Хандон ташлар шўх газалхон,
сайраб бўлбуллар.**

Мана баҳорнинг дилтортар, ўзига ром этувчи қудрати қайда.

Бугун мусаффо тонг ила бободоҳон даласига шўшади. У қўғурғил сари одим отаркан, хаёлан у билан сирлашади, тиллашади.

— Салом, олтин далам, баҳоринг муборақ бўлсин!
— Қадаминг кўтлүг бўлсин, бободоҳоним, — қаршилайди уни она ер. — Келдингми яна.

— Келдим олтин далам, келдим. Билкилаб турган туяроғинг қотмасдан сенга ишлов бергани, Яратгандан мўл-қўл хосилингни тилаб келдим.

— Одамзотга бағрим ҳаммаша очик. Мен поёни йўқ чексиз уммонман, барчага етман, меҳр билан тер тўққан кишига мўмай ҳосил берман. Туяроғимга чигит қадасанг, қузда хирмонингни пахтага тўлдирман. Дон соқсанг, ризқ-рўз, нон бўлиб берман. Чўп қадасанг, дархат бўлиб дастурхонингга ширин-шакар меваларни тортиқ қиламан. Бағримда неки бор, ҳаммаси инсонлар учун. Фақат тинчлик, баҳамжиҳатлик, тотувлик билан дўстона қўлни қўлга бериб ишлаган одамларга туганмас бойлигимни ато этман. Мени талашиб-тортишчи шарт эмас. Мен ҳамма-ҳаммага етиб орман.

Дилга ҳамонахон қўй тақрор янграйди.

**Ҳар баҳорда шу бўлар тақрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.**

(Давоми 2-бетда)

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● 27-28 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни давом эттирдилар.

● Шу кунларда Эрон Ислон Республикасининг Жанубий Хуросон ҳудуди тадбиркорларидан иборат делегацияси юртимизда меҳмон бўлиб турибди. Кеча Тошкентдаги Марказий меҳмонхонасида ҳар икки томон тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни янада юқори босқичга кўтариш мақсадида ўзбек-эрон бизнес семинари ўтказилди.

● Кеча Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасида бошланган семинар эркин ва юнон-рум кураши бўйича мураббийлар маҳоратини оширишга бағишланди. Миллий Олимпия кўмитаси ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ҳамкорлигида, Халқаро Олимпия кўмитасининг Олимпия бирдамлиги махсус дастури асосида уюштирилаётган мазкур семинарга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 25 нафар мураббий таклиф этилган.

● Баҳмал туманида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури» ижросини таъминлашга қаратилган фуқаролар йиғинлари раисларининг икки кунлик семинари ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходимлари, Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти мутахассислари маърузалари асосида мунозаралар бўлиб ўтди.

● ЎзХДП Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдаги пленумида вилоят Кенгаши ижро кўмитасининг 2006 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди ва муҳокама қилинди.

● Бобур номидаги Андижон вилоят театрида вилоятдаги олий ўқув юртлири талабалари ўртасида баллимонлар танлови ўтказилди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси хамда «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир «Талабалар — олтин давр» шиори остида ўтди.

● Тошкентда Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан тиббиёт ходимлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Халқаро Хотин-қизлар кунни арафасида ўтказилган мазкур беллашувда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бoш бошқармаси тизимидаги тиббиёт муассасаларининг шифокор ва ҳамширалари иштирок этди.

● Сурхондарё вилоятининг Кизирик туманидаги тайёрлов қорхонасида уруғлик доналарни тайёрлаш бўйича цех фойдаланишга топширилди. Цехда ўрнатилган асбоб-анжомлар бир кеча-кундузда 50 тонна юқори сифатли уруғлик дон, асосан бугдони тайёрлашга имкон яратади.

ЖАҲОНДА

● ФАТХ ҳаракати матбуот котиби Абдул Ҳаким Ауаднинг маълум қилишича, Фаластин ҳукумати раҳбари Исмоил Хония шу ҳафта охирида Фаластин миллий маъмуриятининг раиси Махмуд Аббосга коалиция ҳукуматининг янги таркиби рўйхатини тақдим этади.

● Францияда навбатдаги Президент сайловларига икки ойдан кам вақт қолган шу кунларда номзодлардан Никола Саркази ва Сегален Ройяллар асосий даъвогарлардан бўлиб қолишмоқда. Зеро, улар сайловчиларга кенг қўламли ислохотларни амалга оширишга ваъда беришмоқда.

● Кеча Франциянинг Тулуза шаҳрида «Airbus» Европа авиасозлик компанияси бошқаруви раиси Галуа 2010 йилга қелиб компаниянинг йилга 2 миллиард 100 миллион доллар миқдорига фойда кўришини таъминлаш учун 10 минг кишининг иш жойи қисқартирилишини маълум қилди.

● Кеча Владивосток шаҳар суди шаҳар мэри Владимир Николаевни ваколатларини суиистеъмол қилганликда айблаган ҳолда вақтинчалик ўз вазифасини бажаришдан четлатиш ҳақида қарор қабул қилди.

● Италиянинг Стромболи оролида кучли вулкон отилиши давом этмоқда. Шу муносабат билан кратер атрофида яшовчи кишилар хавфсиз жойларга эвакуация қилинди ва мазкур оролда фавқулодда ҳолат жорий этилди. Бирок, мутахассисларнинг таъкидлашича, вулкон отилиши натижасида цунамининг юзага келиш хавфи йўқ.

● Ўткир респиратор юқумли касалликлар ва грип эпидемияси қайт этилганлиги муносабати билан Россия Федерацияси ҳудудидаги айрим мактаблар ва болалар боғчаларида карантин жорий этилиб, улар вақтинча ёпилмоқда. Бинобарин, шу кунларда Кемерово, Тюмень, Оренбург, Челябинск ва Свердловск вилоятларидаги мактабларда дарслар тўхтатилган.

● Санкт-Петербург маъмурияти шаҳарнинг тарихий марказларидан бирида замонавий кўп қаватли бино қурилишига розилик берди. «Малая охта» проспектида бунёд этилаётган 90 метрли бинога «Санкт-Петербург» банкнинг кўчиб ўтиши кутилмоқда. Мазкур лойиҳа 430 миллион долларга баҳоланган бўлиб, иморатнинг умумий майдони 150 минг квадрат метр-ни ташкил этади.

**ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ
ТАШКИЛОТИНИНГ (ISESCO) ТОШКЕНТНИ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ
ПОЙТАХТЛАРИДАН БИРИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
И.А.КАРИМОВНИНГ «ТУРКИСТОН-ПРЕСС» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИГА
БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СИЁСИЙ, МАДАНИЙ ВА
ЖАМОАТЧИЛИК ДИОРАЛИДА, ЎЗБЕКИСТОНДА АККРЕДИТАЦИЯДАН
ЎТГАН ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ЎРТАСИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН
ҚАРШИ ОЛИНИШИ БАРОБАРИДА ЧЕТ ЭЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИДА ҲАМ КЕНГ ШАРҲЛАНМОҚДА.**

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси **Надиа Кафафий** Ўзбекистон раҳбарининг Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган ислом цивилизацияси ривожига ўзбек халқи қўшган ҳиссанинг юксак эътирофидир, деб айтган фикрини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди.

Н.Кафафийнинг айтишича, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг бу қарорини мамнуният билан қабул қилган Миср ҳам худди шундай фикрда. Мазкур қарор муносабати билан Миср диний маркази бўлиши «Аль-Азхар» шайхи Муҳаммад Тантовий биринчилар қаторида Ўзбекистон раҳбарияти

ва халқига ўз табриги ва энг эзгу тилакларини йўлагани юқоридаги фикримизнинг далилидир, деди Миср Араб Республикасининг элчиси.

Кувайтнинг Ўзбекистондаги элчиси Одил Муҳаммад Ҳаётнинг фикр билдиришича, Тошкент ислом маданияти пойтахти сифатида танла-ниши асосли сабабларга эга. «Ўзбекистонда туриб, республика ҳукуматининг бобокалонлар меросини асра-ш, қайта тиклаш ва ривожлантиришга йўналтирилган улкан ишларининг гувоҳи бўлдим», деди Кувайт дипломатия ваколатхонасининг раҳбари.

(Давоми 2-бетда)

МИСР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БЎЮРГАН МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВАЗИРИ ФАИЗ АБУ АН-НАДЖА ХОНИН 28 ФЕВРАЛЬ
КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, АЛОҚА
ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ
БИЛАН УЧРАШДИ.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувариди-эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкид-ланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Миср ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Куй сеҳрига сел бўлиб бободеҳқон янада дадил қадам ташлайди. Узоқ-узоқлардан тракторлар овози эшитилади. «Эрта эксанг, эрта ўрасан» нақлига амал қилиб, далага охиққан миришкорларнинг кети узилмайди. Биров барака уруғини сочган, кимдир дарахт эккан. Хуллас, барча катта-кичик учун иш етарли.

Баҳор элчиси чучмома териб юрган бижилдоқ қизалоқ бир даста чучомани қўлига тутганича, бобоси томон ошади.

— Бобо қаранг, чучмома гул очибди.

— Олиб кел бўтам, омонлик-сомонлик қилайлик.

Бобо назира тутган чучмомани тўйиб-тўйиб искайди. Етказганига шукр қилиб келгуси баҳоргача тўла-тўқисликда, соғ-саломат етишишликни Оллоҳдан тилайди.

**Мана сенга олам-олам гул,
Этагинга сиқанча ол.
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.**

Елкасига офтоб теккан деҳқон ишлаб чарчамайди.

У бир зум пешона терини арта туриб устига яшил либос кийган далаларга, қир-адирларга суқланиб боради. Кўм-кўк ўт-ўланлар устида бир нафас ҳузур қилиб чўзилгиси, уларнинг хушбўй хидидан тўйиб-тўйиб нафас олгиси келади. Она ер саховати ила эндигина ниш чикрган қўкатлар, мисли атиргул хиди янглик димоғига урилиб, уни хушхоб этади. Қани энди йил ўн икки ой шу манзара, шу тароват давом этаверсаю, шундай завоқ-шавққа тўлиб, ҳордиқ чикариб, баҳри-дилигини очиб меҳнат қилаверсанг.

Мовий осмон бўйлаб туташиб кетган

оппоқ қорли тоғлар янгигина чимилдиқдан чиққан оппоқ ҳарир рўмонли келинчакни эслатади. Хов ана, ундан сал пас-троқда баҳорий илқ куёш тафтидан эриб-жилдираб оқаётган булоқ суви тепасида кўзача ушлаган сулув қиз турибди. Паризод қиз тош устида туриб қан-

тутади. Қиз миннатдорчилик қиёфада кўзачани оларкан ҳоҳатбарор йигитга бир зум жилмайиб қарайди. Кейин худди биров бу ҳолатни кўриб қоладигандек орқасига буралиб тез-тез кета бошлади. Йигит гўё туш кўраётгандек унинг ортидан узоқ термулиб қолади. Бу

Афсус, ёшлик қайтмайди. Бемазмун ўтган кунларини эста олганинда бошида: «Азизлар, ўтаётган кунларнинг қадрига етинг. Унинг ҳар бир соати, дақиқаси сардафтарингизга нурли сатрлар билан битилсин. Баҳор тақор-тақор қайталайверадим, аммо умр баҳори тақорланмайди», деган сўзлар чарх уради.

Шундай хушнуд, серзавқ кунларда онажонимнинг бир гапи беихтиёр ёдга тушади. Онажонимиз ҳар йили эрта баҳор далага шошилардилар. Ҳа, онажон қаёққа десак, «Болам, баҳор келди, далага чиқиб турли қўкатлар териб келаман. Сизларга кўк чучвара, сомса қилиб бераман. Ердан униб чиққан қўкат борки, барча жонзотлар учун ризқ-рўз, дори-дармон. Ҳар баҳор мана шу қўкатли таомлардан икки-уч бор тўйиб-тўйиб истеъмол қилган киши ҳеч бир толиқмай кейинги баҳоргача етиб боради», дердилар. Кечки пайт эса қўкатдан тайёрланган чучвара, кўк сомсаларни лаган-лаган қилиб олдимизга қўярдилар. Гарчи онамиз бугун орамизда бўлмасаларда, биз фарзандлар у муҳтарама зотнинг табарруқ насиҳатларига амал қилиб, ҳар йили эрта баҳор далага чиқамиз. Мустақиллик қўшидан нур эмган қирлар оралаб доривор қўкатларни териб уйга қайтамиз.

Бугун ҳам тоғ ила уйғонинг анъанамизга биноан нонуштаги дастурхонга тукканча далага шошилдик. Кўм-кўк ўт-ўланлар бағрида эркин нафас олиб, яйраб-яшнаб қўкат териб нонушта қилганга нима етсин. Радиодан яна ўша дилбар тарона янграйди.

**Ҳар баҳорда шу бўлар тақдор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтди.
Махмуд КОМИЛЖОНОВ**

ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, БАҲОРИМ!



чалар эгилмасин, пастдаги сувга бўйи етиб кўзачасини тўлдира олмайди. Мовий арчалар ортида писиб, қиз ҳуснига махлиб бўлган йигит ийманибгина ўзини кўрсатиб шу томон одимлайди. Ўзига сирли қараш қилиб турган йигитни кўриб пари қиз ҳаяжон ила қаддини ростлаб, рўмонли учини юзига тортади. Йигит сўзсиз қизнинг қўлидан кўзачани олади, кўз очиб юмгунча уни сувга тўлдириб узрли табассум ила уни қизнинг қўлига

ёшлиқнинг бебаҳо баҳори. Бу баҳорнинг ёшлар қалбига чўғ солувчи илк севи га-ҳори. Бу ҳолатни кўриб-қўзатиб алланечук бўлиб кетасан киши. Бу ҳолатга ҳамонанг бўлган ёшлик баҳорини эслатувчи кўшиқ беихтиёр бутун борлигини чулғаб олади. Ширин дамларни хотирлаб мамнун бўласан. Баъзи армонли кунларингиз эслаб энтикиб кетасан. Қани энди баҳор сингари ёшлик ҳам қайтиб келса-ю, ҳаммасини бошидан бошласанг.

Тадбирлар

КЎКЛАМ СОҒИНЧИ

«Ёшлик» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМЛИГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИБ КЕЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ АМАЛДА БАЖАРИЛИШИ ҲАМДА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ, ФИДОЙИЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, БАРАКАМОЛ ИНСОН БЎЛИБ ЕТИШИШЛАРИ, БЎШ ВАҚТЛАРИНИ УНУМЛИ ЎТКАЗИШЛАРИ УЧУН «ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ» ШИОРИ ОСТИДА УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИБ КЕЛМОҚДА.

Яқинда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида «Баҳорини соғиндингизми?» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда таниқли ижодкорлар Фулом Мирзо, Салим Ашур ҳамда ёш шоирлар ўзларининг дилдорлар шеърларини ёшларга ўқиб бердилар.

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси билан ҳамкорликда, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг хотин-қизлар ва маънавий-маърифий ишлар бўлимча мутахассиси Сурайё Икромова, — «Ўзбекистон Ватаним маним» шiori остида доимий равишда тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз. Шаҳарча ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Маданият, Банк, Тиббиёт ва Маиший хизмат кўрсатиш коллежлари ва бир қанча лицейлар ўқувчилари, мухтасар қилиб айтганда, ҳудудимизда тахсил олаётган ва яшаётган 40 мингдан кўпроқ талаба ва ўқувчилар ана шундай тадбирларда иштирок этиб маънавий озик, руҳий мадад олиб келмоқдалар. Бундай тадбирлар она юртва муҳаббат, Истиқлоллик садоқат туйғуларини талаба ёшларга сингдириш ҳамда уларнинг маънавий савияларини оширишда жуда катта аҳамият касб этади.

Давра суҳбати жараёнида ёшлар ҳам ўзларининг Ватан, баҳор, муҳаббат ҳақидаги шеърларини ўқиб бердилар. Савол-жавоб, мулоҳаза, қизгин баҳс ва тиник фикрларга бой тарзда ўтган тадбир баҳарнинг кайфиятини чоғ қилди.

Гуллигор САТТОРОВА

Назм гулшани

ДАВРУ ДАВРОН ЎЗГАЧА

Ҳар баҳор келса табиат бирла инсон ўзгача,
Шавқу завқи бир бўлакча, еру осмон ўзгача.

Янгича турмуш, ижод, назму наво
турли-турли,
Ранг-баранг қизлар либосидек гулистон ўзгача.

Яшнаган боғларда қушлар, қумрилар
кукулашар,
Ғунчаси қошида булбул ҳам газалхон ўзгача.

Тебратиб чучмомаларни шўх сабозлар ўйнашар,
Жилмайиб рақсга тушар, ул қадди райхон ўзгача.

Субҳидамда уйғотар оҳиста шўх еллар мени,
Дилда қон ўйнар, гўё бу тандаги жон ўзгача.

Лоззорлар қўнига чорлар муҳаббат дилдаги,
Хуш бу айём базмида кулгу-хандон ўзгача.

Қуйла Раҳмат, дилда борин, янграсин шўх
ялалар,
Шоду хуррам бахтиёрлик давру даврон ўзгача.

Раҳматқул УСМОНОВ

НОЗ УЙҚУДАН УЙҒОНДИ

Бунча гўзал, бунча чиройли,
Янги келган бу фасли баҳор.
Келинчадек боқиб-ибболи,
Ёндиради қалбларни минг бор.

Қир адиру боғу тоғларга,
Янги либос кийдиришар истар.
Чорлаб эли лала сайлага,
Ўз жамолни кўрсатмоқ истар.

Бутун борлиқ барча табиат,
Ноз уйқудан уйғонди бу дам.
Ҳадаи тайфазу ламотаф,
Кучоқ очди ўлкада кўклам.

Баҳор завқи буткул ўзгача,
Жамол очар бутун бир борлиқ.
Нафис сабо эсар тоғсизга,
Бу ҳаммаси баҳордан ёрлик.

Эрка насим айлар тарона,
Қуйлаб шодон юртим

Озод элга бўлиб парвона
Баҳор қуйлар халқим

мадҳини.
бахтини.
Рустам ХҲАЕВ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ИСЛОҲОТЛАР

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ҲИСОБЛАНАДИ. ТОШКЕНТДА «ИЖТИМОЙ ФИКР» ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗ ВА ГЕРМАНИЯНИНГ ФРИДРИХ ЭБЕРТ НОМИДАГИ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТНОСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ШУ ҲАҚДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ.

«Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги ушбу учрашув «Фуқаролик форуми» қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Унда жамиятшунос олимлар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, файласуфлар, фуқаролик жамиятини ўрганиш ва шакллантириш соҳаси билан шуғулланадиган мутахассислар, нодавлат ношароқ ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда ҳар йили анъанавий тарзда эълон қилинаётган йил дастури одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш билан бевоқифа боғлиқдир. Бу Президент Ислам Каримов томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган жорий йилда ҳам асосий вазифа ҳисобланади. Энг муҳими, бу дастурларни амалга оширишда бутун жамият иштирок этмоқда. Бу борада биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлари, яъни кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз қарияларга гамхўрлик кўрсатишмоқда. Айни пайтда миллий иқтисодиётни шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, таълим ҳамда соғлиқни сақлашни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига қиради.

Ижтимоий ҳимояни таъминлаш механизми мамлакатимизни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва илгор хорижий тажриба ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган аниқ ҳуқуқий меъёrlар тизимида асосланади. Ҳукуматимиз томонидан белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга нодавлат ташкилотлар, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол қўллашмоқда. Ўзбекистонда шаклланган ноёб маҳалла институтини асрлар давомида ўзаро ёрдам, эҳтиёжмандларга қўллаш, хотин-қизлар ва болалар ҳақида гамхўрлик қилиш каби эзгу мақсадларга таяниб келмоқда. Унинг ўзига хос самарали ишлаш тажрибаси бутунги кунда бошқа давлатларда ҳам ўрганилмоқда. Тадбирда сўзга чиққан «Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова, Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Райнхард Крум, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г.Аъзамова ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Учрашув катнашчилари Германияда қўлланилаётган ижтимоий ҳимоя тизими билан ҳам танишдилар. Ўзбекистон ва Германия жамиятшунослари томонидан жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилаётган сўровлар аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омилга айланиб бораётганини кўрсатаётганини таъкидланди.

Анна ИВАНОВА,
Ўза мухбири

ПОЙТАХТДАГИ ЁШ ТОМОШБИНЛАР ТЕАТРИДА ФРАНЦИЯНИНГ ЖАНУБИЙ ҚИСМИДА МАШҲУР БЎЛГАН ФЛАМЕНКО РАҚС ИЖРОЧИСИ ЖАН-ФИЛИПП БРУТМАН БОШЧИЛИГИДАГИ ГРУҲ КОНЦЕРТ ДАСТУРИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.

Концерт Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Виктор Гюго маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Гитарада бир қанча мусиқа ижросини яратган Ж. Брутман 34 ёшда. У ёш мусиқаушнос бўлишга қарамай Францияда таниқли композиторлардан биридир. Ўз гуруҳи

ФРАНЦИЯЛИК САНЪАТКОРЛАР ТАШРИФИ

билан қўллаб хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлган санъаткор юртимизга воқал ва гитара йўналишида энг иқтидорли ҳамкасблари Альберто Гарсиа, барабанчи Эдуард Коркар ва рақсоз Шарон Султан билан ташриф буюрди. Мазкур ансамбл юртимизда бундан олдин ҳам бир неча бор сафарда бўлган. Театрда бўлиб ўтган концертда улар санъатнинг ноёб турларидан бири барабан, рубоб ва гитара йўналишларида яратган сара асарларини мухлислар эътиборига ҳавола этишди. Ёш томошбинлар

театрида муваффақиятли яқунланган концерт юртимизнинг қадимий шаҳри Самарқандга ҳам кўчди. У ерда уларга ўзбек санъаткорлари ҳам қўшилишди.

Виктор Гюго номидаги Франция маданият маркази маслаҳатчиси Хьюг Балтснжернинг таъкидлашича, икки халқ санъат аҳлининг ҳамкорлиги келажакда ҳам давом этади. Бундан ҳар иккала мамлакат халқлари баҳраманд бўлишади.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

ҚОНУНЛАРИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ ДАЛОЛАТНОМА ЁЗУВЛАРИ ҚАНДАЙ ТИКЛАНАДИ?

ОИЛА КОДЕКСИНИНГ 230-МОДДАСИГА МУВОФИҚ ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИ ЁЗУВЛАРИНИ ТИКЛАШ ДЕГАНДА ИЛГАРИ ШУНДАЙ ЁЗУВ БЎЛГАНЛИГИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ЕТАРЛИ АСОСЛАР БЎЛГАНИДА, УЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ҚЎЙИШ ЖАРАЁНИ ТУШУНИЛАДИ.

Туғилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ҳақидаги далолатнома ёзувлари кимга нисбатан тузилган бўлса, фақат ана шу шахсларнинг ариза-сига қўла тикланади.

Агар ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилиш ҳақидаги ёзув йўқолган бўлса, ёзув боланинг ота-онаси, васийси, ҳомийси, болалар муассасаси маъмуриятининг ариза-сига биноан тикланади.

Қонунга қўра ўлган шахсларга нисбатан тикланган далолатнома ёзувлари тузилмайди, бундай ҳолларда тикланган далолатнома ёзуви суднинг фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви қайд этилганлик фактини белгилаш бўйича қонуний қуч-га кирган ҳал қилув қарори асосида тузилиши мумкин.

Ёзуви тиклашдан ман-фаатдор тарафлар ўрта-сида низо бўлса ёзувини тиклаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ко-дексига асосан амалга оширилади.

Далолатнома ёзуви-нинг иккала нусхаси ҳам йўқолган ҳолларда дало-латнома ёзувини тиклаш 16 ёшга тулган фуқаро-нинг шахсий ариза-сига қўра унинг яшаш жойи-даги ФХДЭ органи то-монидан амалга ошири-лади. Далолатнома ёзув-ларини тиклаш, уларни тик-лаш учун асос бўлган бар-ча ҳолатлар ФХДЭ орга-ни томонидан аниқлан-га-

нидан кейингина амалга оширилади.

Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тик-лаш учун ФХДЭ органига қуйидаги ҳужжатлар тақ-дим этилади:

Далолатнома ёзувини тиклаш тўғрисида белги-ланган шаклдаги ариза: шахар, вилоят, республика (Қорақалпоғистон) ФХДЭ архивининг ариза берувчининг туғилган жойи бўйича далолатно-ма ёзуви йўқлиги ҳақида-ги маълумотномаси:

ота-онасининг паспор-тлари нусхалари: агар ота-онаси вафот этган бўлса, уларнинг ўлими ҳақидаги далолат-номалар ёзувларининг нусхалари:

никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома (ота-онасининг ва ўзи-нинг) ёзуви нусхаси:

ота-оналарининг ҳуж-жатлари бўлмаганда, ака-укалари, опа-сингил-ларининг туғилганлик тўғрисидаги далолатно-ма ёзувлари нусхалари:

аризачининг илтимо-сини асословчи бошқа ҳужжатлар.

Ариза қабул қилишда ариза берувчи ёлгон кўрсатмалар берганлиги учун жавобгарлиги ҳақида ФХДЭ органи томонидан огоҳлантирилади.

Тақдим этилган ҳужжат-лар ўрганиб чиқилганидан сўнг ФХДЭ органи муди-раси томонидан ҳулоса ту-зилади ва унинг асосида туғилганлик ҳақидаги тик-ланган далолатнома ёзуви қайд этилади ва туғилган-лик ҳақидаги гувоҳнома берилади.

Далолатнома ёзувлари-ни тиклаш учун етарли асослар бўлмаганда ФХДЭ органи ариза бе-рувчига рад қилганлик ҳақидаги асосланган ҳу-лосасини беради. Ушбу ҳулоса билан аризада масаланинг моҳиятига қўра ҳал этиш учун судга мурожаат қилиши мум-кин.

Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги ариза ФХДЭ органи томонидан барча зарурий ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб 15 кун ичида қўриб чиқилиши зарур.

**МУНИРА ИСЛОМОВА,
Шайхонтоҳур тумани
Фуқаролик ҳолати
далолатномаларини
ёзиш бўлими мудираси**

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фаластиннинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Абдулла аль-Хеби ислом ола-ми даҳolari, ёрқин тафаккур эгалари ва буюк алломалари айнан Ўзбекистон заминида туғил-гани ҳамда улар ҳақиқий исломий гоҳларнинг тарқалиши ва ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшгани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти билдирган фикрларга тўла қўшили-шини қайд этди. Шу ўринда Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Мотуридий, Нақшбандий ва бо-шқа кўплаб ислом дунёсининг буюк алломала-ри қолдирган меросни таъкидлаш керакики, улар бутун ислом оламида ҳурмат ва эҳтиромга сазо-вордир.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон Прези-дентининг ана шундай буюк меросни қайта тик-лаш ва уни ёш авлодлар учун авайлаб-асраш ишига қўшган улкан ҳиссасини ҳурмат билан қайд этишни истар эдим, деди фаластинлик дип-ломат.

Афғонистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Фарук Бараки Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти сифатида танлангани тўғри-сидаги ISESCO қароридан фахрланганини баён этди.

Ишончим комилки, бу хушбабар нафақат Ўзе-кистонда, балки бутун мусулмон дунёсида кўта-ринки руҳ билан қабул қилинди, деди афғонис-тонлик дипломат.

Эрон элчихонаси раҳбари муовини Ираж Элахийнинг фикр билдиришича, Ўзбекистон Исло-мнинг кенг тарқалиши ва мусулмонлар ўрта-сида эътиқод мустаҳкамланишида муҳим аҳами-ят касб этган ислом дунёсининг энг нуфузли давлатларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан Тошкентнинг ислом ма-данияти пойтахти, деб танлишни мутлақо адо-латли ва муносиб қарордир. Ўзбекистоннинг ис-лом маданий қадриятларини авайлаб-асраш бўйича олиб бораётган изчил сиёсати ҳар қанча эътибор ва юксак баҳога сазовор.

Иорданиянинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Муҳаммад Балкар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг Тошкент шаҳрини ислом мадани-яти пойтахти, деб эълон қилиш тўғрисидаги қаро-ри нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки бутун мусулмонлар ҳаётидаги муҳим воқеа эканига шубҳа йўқ. Мен ҳам ўзбекистонликлар билан бирга бу қарордан фахрланаман, деди Муҳам-мад Балкар.

Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчиси А. Мадмаровнинг фикрича, ISESCO томонидан Тошкентнинг ислом маданияти маркази, деб эълон қилиниши юксак баҳога сазовордир. Чун-ки Ўзбекистон ислом цивилизациясининг шакл-ланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган. «Ўзбекистон Президентининг тарихий ёдгордик-ларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш бо-расидаги гамхўрлиги мени чукр ҳайратга сол-ди. Мамлакатингиз раҳбарининг халқ ўз тарихи-ни билмоғи лозим, чунки бу келажакни барпо этишнинг муҳим омилдир, деган фикрига тўла қўшилиман», деди Қирғизистон элчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот аген-тлиги муҳбирига интервьюси араб мамлакатлари, жумладан Миср Араб Республикаси оммавий ах-борот воситалари ва ижтимоий-сиёсий доирала-рида кенг шарҳланаётган. Қоҳирада жойлашган MENA Яқин Шарқ ахборот агентлиги, «Абулхалл ад-Давлия» газетаси ўзларининг электрон ва мат-буот нашрлари саҳифаларида Ўзбекистон Прези-денти берган интервью матнини чоп этди.

Ўз навбатида, Россиянинг «Интерфакс» ахбо-рот агентлиги Президент И. Каримовнинг «Тур-кистон-пресс» муҳбирига берган интервьюси ҳақида тарқатган хабарида Ўзбекистон давлат раҳбарининг «Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил гаразли ҳужу ва ҳамла-лардан, тўхмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб ке-лаётган ёш авлодга тўғри тушунириш, ислом маданиятининг эзгу гоҳларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда» деган сўзларини келтиради.

Сиёсий фанлар доктори, Эрондаги Мар-казий Осб, Кавказ ва Россия муаммола-рини ўрганиш марказининг раҳбари Меҳ-ди Санойи таъкидлаганидек, Ўзбекистон Пре-зиденти И.А. Каримовнинг интервьюси мам-лакатда миллий мафқурани шакллантириш бо-расида амалга оширилаётган давлат сиёсати-нинг муҳим жиҳатларини ўзида қамраб олган. Интервьюнинг таҳлили Ўзбекистон раҳбари ўсиб келаётган ёш авлодни миллий анъана-лар руҳида тарбиялашга катта эътибор қар-атаётганидан далолат



Санъат

УЧРАШУВЛАРДАН УМИД УЧКУНЛАЙДИ

МАЪЛУМКИ, МУСТАҚИЛЛИГИМIZ ШАРОФАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАҚСАДИДА ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР, ФЕСТИВАЛЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. БУГУНГИ КУНДА ЭСА ЖОЙЛАРДА «НИХОЛ» МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИШ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. БУНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ЭСА, ЭНДИГАН САНЪАТГА ОШУФТА БЎЛАЁТГАН ЁШЛАРНИ ЯНАДА БИРЛАШТИРИШ, МУСИКАНИНГ СЕХРЛИ ОЛАМИГА ЧОРЛАШДАН ИБОРАТДИР.

Яқинда шахримиздаги 8-мусика мактабиди «Учрашувлардан умидлар учкунлайди» мавзундаги мусикий-адабий кеча бўлиб ўтди.

Кечада «Нихол» мукофоти совриндори Сардор Раҳимхон ёшларга ўзининг ижод жараёни ҳаёти давомида юз борган қизиқарли воқеалар ва гастроль сафарлари ҳақида сўзлаб берди.

—Бундай тadbирларни туманимиздаги ҳар бир мусика мактабиди ўтказмоқдами,— дейди Чилонзор туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Комилжон Олимов. — Яқиндагина 3-сон болалар санъат мактабиди ҳам ана шундай қизи-

қарли учрашувни ташкил қилганди. «Нихол» мукофоти совриндорлари билан санъат ва мусика мактабларида учрашувлар ўтказиш ўзининг самарасини бермоқда, албатта. Ўйлашимизки, санъат оламига кириб келаётган ҳар бир ёш, келажакда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Учрашувлар уларда наинки катта таассурот қолдиради, балки изланишга, ўз устида янада кўпроқ ишлашга чорлайди.

— Мен ёшлар билан учрашарканман, қалбимни доимо ҳаяжон чулғаб олаверамди, — дейди «Нихол» мукофотининг совриндори Сардор Раҳимхон. — Негаки ўзим ҳали ёшман. Келажакда забот этмоқчи бўлган чўққиларим ҳали олисда. Халқнинг дилига кириб борадиган янги-янги қўшиқлар яратсам дейман. Ўзимни юлдуз санамайман, мен нимагаки эришаётган бўлсам, бу халқимиз рабгати ва ёнимдаги заҳматкаш инсонлар кўмаги остидадир. Тўғри, ўзим устимда кўп ишлашга, изланишга ҳаракат қиламан. Лекин ҳамиша она юртимизнинг меҳрини, меҳрибон, меҳнаткаш халқимизнинг қалб ҳарорати ва тафтини ҳис қилиб тураман. Бўлажак мусика соҳасининг ёш вакилларига омад тилаб қоламан.

Тadbир сўнгиди мусика мактабининг ўқувчилари ўзларининг куй, қўшиқлари, дилбар рақслари билан кечанинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминладилар.

Гўлчехра ДҲРДИЕВА
СУРАТДА: Сардор Раҳимхон мухлислари даврасида

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига АДИБ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ


XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ, ХУСУСАН, ҲИКОЯНАВИСЛИГИ ҲАҚДА ГАП КЕТГАНДА АТОКЛИ АДИБ АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ НОМИ БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ТИЛГА ОЛИНАДИ. ШУ МАЪНОДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ АДАБИЁТ МУХЛИСЛАРИ ТОМОНИДАН ИЛИҚ ҚАРШИ ОЛИНДИ.

Абдулла Қаҳҳор умр бўйи адабиётни, сўз қадрини балоқд тутиб яшади. Адибнинг «Сароб», «Кўшчирин чироклари», «Синча-лак», «Мухаббат», «Ўтмишдан эртаклар» сингари насрий, «Шоҳи

ижодий меросини чуқур синдириш муҳим аҳамият касб этади.


Ана шу нуқтаи назардан пойтахтимиздаги Х.Калонов номи Компьютер технологиялари касб-хунар коллежи ахборот ресурслар марказида бўлиб ўтган адабий-бадий кеча атокли адибнинг 100 йиллигига бағишланганлиги билан эътиборлидир.

Унда Юнусобод туманидаги 105-ўрта мактаб ўқувчилари, коллеж талабалари, адабиёт мухлислари, ёзувчи асарларига қизиқувчи ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.



Тadbирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими маркази бўлиги бошлиғи Абдурашид Авлиёқулов, Х.Калонов номи Компьютер технологиялари касб-хунар коллежининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари Гўлсум Маҳмудова, Ахборот-ресурс маркази раҳбари Саида Алимова, Юнусобод туманидаги 105-сонли ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Саида Турсуновалар Абдулла Қаҳҳор ижодининг мазмун-моҳияти, бадий образ яратишдаги ёзувчи танлаган услубини ўзига ҳосил қилишда тўхталишди. Ўқувчилар эса адиб асарлари асосида тайёрланган сахнавий кўринишларни маромига етказиб ижро этишди.

— Атокли адибимиз ҳақида гап кетганида, — дейди коллежининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари Гўлсум Маҳмудова, — академик Матқўб Қўшоновнинг «Абдулла Қаҳҳор — моҳир сўз санъаткори эди. Бадиият жиҳатдан унинг ижоди тўлиб-тошиб оққан катта дарё. Бу дарё келажакда ҳам мавж уриб оқади», деган фикрлари кўз олдимга келади.



Назаримда, домланинг бу тугал мулоҳазалари ардоқли ёзувчимиз ижодига нисбатан ҳаққоний баҳодай туюлади. Шу жиҳатдан бугунги авлод ёзувчининг бой ижодий меросини тўлалигича ўрганиши, билиши керак.

Ёзувчи ижодига бағишланган кечада таъкидлаб ўтилганидек, Абдулла Қаҳҳор адабиётимизда моҳир ҳикоянавис сифатида шуҳрат қозongan. Унинг «Бемор», «Ўғри», «Анор», «Майис эмаган хотин» сингари шаклан лўнда, мазмунан роман мазмун-моҳияти акс этган асарлари наинки ўзбек адабиёти, қолаверса жажон адабиёти хазинасини бойитган асарлар сифатида ҳали қўллаб авлод вакиллари, адабиёт илосмандларини ҳайратга солиши табиий. Атокли адибимиз умрини адабиётга, эзгуликка бағишлади. Шу жиҳатдан улкан ёзувчининг унутилмас хотирасини қалбларга муҳрали туриб, ҳазрат Алишер Навоийнинг «Бу гулшан ичра йўқдир бако гулшанига сабот, ажаб саодат эрур яхшилик бирла чиқса от», деган сатрларини ёдга олмоқ жоиз бўлади.

Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТЛАРДА: Х.Калонов номи Компьютер технологиялари касб-хунар коллежи Ахборот ресурслар марказида Абдулла Қаҳҳор таваллудига бағишлаб ўтказилган тadbирдан лавҳалар

Наталья Семёнова олган сураатлар

ҲАР БИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВУР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ — ЎЗ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШДИР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВКУЛОДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИДА ЮЗ БЕРИШИ ЭЪТИМОЛИ БЎЛГАН ФАВКУЛОДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, АҲОЛИ ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ ВА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ДАВЛАТ ОРГАНИ ХИСОБЛАНДИ. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 4 МАРТ КУНИ ФАВКУЛОДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 11 ЙИЛ ТЎЛУДИ. ШУ ВАҚТ МОБАЙНИДА ПОЙТАХТ АҲОЛИСИНИ ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТУРЛИ ОФАТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВКУЛОДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ, ПОЛКОВНИК ЭРГАШ ИКРОМОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

— Эргаш Жумабоевич, аввало, Фавкулода вазиятлар вазириликнинг ташкил этилишидан кўзланган мақсад ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Таҳлилларга мурожаат этадиган бўлсак, XX асрнинг охириги йиллари дунёда турли тусдаги фавкулода вазиятлар сонин кескин кўпайиши юзлаб кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келганини кўриш мумкин. Ушбу кўнгилсиз ҳолатларнинг юзга келиши, яъни содир бўлган фавкулода вазиятлар қўламини, ноҳуси оқибати ва келтирган зарари билан ажралиб туради. Шу боис, ҳар бир давлатнинг бирламчи вазираси юзга келиши мумкин бўлган офатларга қарши туриш имконини берувчи тизим яратиш ва тайёргарлигини оширишга қаратилган.

Мамлакатимиз аҳолиси ва халқ ҳўжалиги объектларини фавкулода вазиятлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш, аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш масалаларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти — Олий Бож Қўмондон И. Каримовнинг 1996 йил 4 мартдаги Фармонида кўра, Мулоффа вазириликнинг Фуқаро мулоффаи ва Фавкулода вазиятлар бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фавкулода вазиятлар вазириликни ташкил этилди. Вазириликнинг қўсқа давр мобайнида мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген ҳўсуиятли фавкулода вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини мувофиқлаштириб борди. Утган даврларда вазирилик тизими юқори малакали, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрлар билан жамланди, замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланди, мобил авария-тиклаш, қидирув-қутқарув тузилмаларни яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган тadbирларни олиб борди.

— Шу ўринда Фавкулода вазиятлар вазириликни Тошкент шаҳар Фавкулода вазиятлар бошқармаси шахсий таркибининг асосий вазираси нималардан иборат эканлиги ҳўсуида қисқача маълумот берсангиз.

— Тошкент шаҳар Фавкулода вазиятлар бошқармаси шахсий таркибининг асосий вазираси мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда фавкулода вазиятлар ўчоғида кечиктириб бўлмайдиган авария-тиклаш, қидирув-қутқарув ишларини самарали ташкил этиш, юзга

келиши мумкин бўлган фавкулода вазиятларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тadbирларни олиб бориш, кимёвий, ёнғиш-портлаш хавфи мавжуд объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, пойтахт Фуқаро мулоффаи куч ва воситаларининг шайлигини оширишга қаратилган тadbирларни олиб бориш, шаҳар аҳолисини фавкулода вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишдан иборатдир.

— Яратилган кучли ҳўқуқий база Фавкулода вазиятлар вазирилик тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш билан бирга бошқарманинг қундалик фаолиятини муваффақиятли олиб бори-

Фавкулода вазиятлар бошқармаси фаолиятидан АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎСИДА

шига хизмат қилади. Шундай эмасми?

— Албатта, Республикаимизда ҳозирги кунда хавфсизлик масалаларига қаратилган бир неча қўнунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген ҳўсуиятли фавкулода вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги, «Фуқаро мулоффаи тўғрисида»-ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»-ги, «Хавфли ишлаб чиқариш объектларида санъат хавфсизлиги тўғрисида»-ги ва «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги қўнунлар фаолиятимизни белгилаб берувчи асосий қўнунларимиздан ҳисобланади. Биринчи наъбатда, шунинг таъкидлаш жоизки, қўнунларда аҳолини фавкулода вазиятлардан муҳофаза қилишнинг тамойиллари — инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги, ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончлиги, фавкулода вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан қўрилиши белгилан қўйилган. Аҳолини мазкур тамойиллар асосида муҳофаза қилиш эса, аввало тизимнинг самарали ҳаракат қилишига боғлиқ.

Давлат тизимининг муваффақиятли ҳаракат қилишида аҳолининг турли офатларда тўғри ҳаракат қилиш масалаларидаги билим ва кўникмаларининг ҳўсил бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур йўналишни олиб боришни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавкулода вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»-ги 427-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Қарорга биноан, ўтган 11 йил мобайнида шаҳар аҳолисининг 700 мингдан ортиғи фуқаро мулоффаи соҳаси бўйича тайёргарлигини ўтказилди. Тошкент шаҳар Фавкулода вазиятлар бошқармаси 2006 ўқув йили мобайнида режа асосида шаҳар ва туман ҳўқимлиги мутасаддилари, бошқарма бошлиқлари, ўта муҳим ва тоифаланган қўрхоналарнинг раҳбарларидан 28 нафарини, Фуқаро мулоффаи тизимининг сардорлари ҳамда шу соҳа бўйича мутахассислардан 988 нафарини Фавкулода вазиятлар вазирилик Фуқаро мулоффаи институтида 40 ва 80 соатлик дастур бўйича тайёргарлиқдан ўтказди.

Шу ўринда, ҳўкуматимизнинг яна бир меъёрий ҳўжжатида эътиборни жалб қилишни ис-тар эдим. Бу Ўзбекистон Республикаси Вази-

лар маҳкамасининг 2003 йил 22 декабрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик) мулоффаза қилиш тўғрисида»-ги қароридир. Ушбу муҳим ҳўжжатга кўра, Фавкулода вазиятлар вазирилик тизимига янги Радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик) мулоффаза тузилмаси ташкил этилди. Бошқармаимизда ҳам бошқа вилоят бошқармалари каби мазкур тузилманинг ташкил этилиши ушбу йўналишдаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги масъулиятимизни янада оширди, десам муболага бўлмайди.

— Дарҳақиқат, тайёргарлиқдан ўтган инсон — янги қутқарувчи, деб бежиз айтмайдилар. Бу борада амалга оширилаёт-

ган ишлар тўғрисида тўхталсангиз.

— Тошкент шаҳар Фавкулода вазиятлар бошқармаси ходимлари ҳар ҳафтада маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳўсуий уй-жой мулкдорлари ширкатларида аҳоли билан суҳбатлар, учрашувлар тарзида машғулотлар олиб бориш билан бирга, жойларда Фуқаро мулоффаи бўйича ўқув маслаҳат хоналарини ташкил этишга услубий ва амалий ёрдам бериб келмоқда. Кейинги вақтларда радио, телевидение орқали дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган фавкулода вазиятлар ва уларнинг оқибатларининг кенг ёритиб борилиши шаҳар аҳолиси ўртасида турли вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш масалаларида қизиқишини оширмоқда. Шунинг учун ҳам, ушбу тadbирларнинг кўпчилиги икки томонлама мулоқотлар кўринишида ўтиши оддий ҳолга айланиб бормоқда. Бундан ташқари, учрашувлар ва суҳбатларда аҳоли ўзининг фавкулода вазиятлар, уларнинг келиб чиқиши ҳамда салбий оқибатлари тўғрисида билим савиясининг анча ўсганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида тушунириш ишларини олиб бориш, биргина ўқувчининг шахс сифатида хавфсизлик масалаларига ўргатибгина қолмай, балки ўқув масаклари хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб масала эканлигига эътиборни жалб этишимиз даркор.

— Фуқаро мулоффаи тизимини шакллантиришда хориж давлатларининг таърибаси ҳамда Тошкент шаҳар Фавкулода вазиятлар бошқармасининг халқаро анжуманлар ва учрашувларда иштироки тўғрисида сўзласангиз.

— Айтиш жоизки, аҳоли ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, фавкулода вазиятлар юзга келганда унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича тadbирларнинг самарали ўтказилиши мамлакатда барқарорлиқни таъминлашга муайян ҳисса қўшади. Бу шўҳабаси, республикамизнинг халқаро ҳамжамият олдидидаги обрў-эътиборини янада юксалтиради. Юртимиз тарихдан хориж давлатларининг доим диққат-эътиборида бўлган ва ўзига жалб этиб келган. Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз ўзининг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўли билан кўпгина давлатлар, ташкилотлар орасида ишончли ҳамкор сифатида та-ниқлди ва халқаро ҳамкорлиқни амалга оши-

риб келмоқда. Шу ўринда, вазириликимиз ҳам ўз ваколати ва юклатилган вазифар доира-сида соҳавий йўналиш бўйича халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириб келмоқда. Мен, Тошкент шаҳар Фавкулода вазиятлар бошқармаси бошлиғи сифатида республика ҳўқуқчи мулоффаза қилиш органларининг масъул раҳбарлари билан биргаликда делегация таркибида АҚШ, Бельгия, Россия ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган кўпгина халқаро анжуман ва учрашувларда иштирок этганман. Шу билан бирга бошқармаимизда ҳам кўпгина халқаро учрашувлар ўтказилмоқда.

— Халқимиз ўртасида қутқарувчи, яъни нажоткор касби ҳамма учун яқин, тушунарли ва керакли касбга айланмоқда.

— Қутқарувчи — бу энг оқиланов касбдир. Чунки, инсон ҳаётини сақлаб қолишдан улғу иш йўқ, деб ҳисоблайман. Шунинг учун Тошкент шаҳар Фавкулода вазиятлар бошқармаси қутқарувчилари шаҳарлиқлар ва пойтахтимиз меҳмонларининг хавфсизлигини таъминлаш, уларга оғир дақиқаларида суянч бўлишдек шарафли ишни бажараётганлиқларидан фажрланаман. Ўзингизга маълум пойтахтимиз Осий минтақасида ўзига ҳос инфратузилмаси билан йирик шаҳарлар қаторига киради. Шунини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳўқимининг 1999 йил 26 апрелдаги 220-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавкулода вазиятлар вазириликнинг 1999 йил 7 майдиги 110-сонли бўйруғига асосан республикамизда илк бор Тошкент шаҳрида «Қутқарув хизмати» ташкил этилди. Утган даврда қутқарувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, замонавий асбоб-ускуна ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан бир қанча ижобий ишлар олиб борилди. Қутқарувчиларимизнинг олиб борган фаолиятини таҳлил қилганимизда айрим рақамларга мурожаат этсак. Тошкент шаҳар «Қутқарув хизмати» ташкил этилгандан бўён шаҳар аҳолисида жами 800 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Шундан 500 мурдан ортиқ ҳолатларда фавкулода вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган қаттиқ русларга чиқилган. Биргина мисол, ўтган 2006 йили оладиган бўлсак, қутқарувчиларимизга 143118 мартаба мурожаатлар келиб тушиб, шундан 1773 тасида инсонлар ҳаёти хавфига юзга келган вазиятларнинг олди олинган. Шунингдек 537 мартаба оммавий тadbирларда шаҳар ҳўқуқчи мулоффаза қилиш органлари билан биргаликда хавфсизликни таъминлашга жалб этилганлиги олиб борилаётган ишлар қўламага баҳо бериши мумкин.

— Маълумки, Тошкент шаҳар Фавкулода вазиятлар бошқармаси вазириликнинг энг илғор бошқармаларидан бири ҳисобланади.

— Бизнинг вазирамиз асосида аҳоли ва ҳудудларни мулоффаза қилиш масаласи ётади. Юклатилган масъулиятини бажариш мукдадас бурчимиздир. Шу бурч бизни фидойиликка, керак бўлса, қарамонлиқка ундайди. Фавкулода вазиятлар вазирилик тизимининг тикланиш, шаклланиш ва ривожланишида жамоамизнинг ҳам фидокорона меҳнати борлигидан фажрланамиз. Айниқса бу борада подполковник К. Турсунов, Б. Усмонов, майор Т. Махаммадиев, капитанлар Х. Бобонов, Р. Нуралиев, У. Бозоров, катта лейтенант С. Қудратов, зиматчилардан К. Рабданов, В. Краснов, Е. Бичук, С. Султонова, Р. Солиев, Л. Лужкова, З. Яролян, С. Акбаров, Н. Кожемяко, Х. Воҳидов ва бошқаларнинг хизматлари алоҳида таъкидлаш жоиз.

Суҳбатдош
Хўсиянхон ТҲЖИБОВЕВА

Иқтисодиёт

СИФАТГА ЭЪТИБОР

2004 ЙИЛДАН ИШ БОШЛАГАН «SHARQ-model» ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ ҚЎШМА ҚОРХОНАСИДА 100 НАФАРДАН ОРТИҚ МАҲАЛЛИЙ ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. ҚУВОНАРЛИ ТОМОНИ, ЖАМОА АҲЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАР: ЭРКАК, АЁЛ ВА БОЛАЖОНЛАРИМИЗГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР УЧУН МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мазкур қўшма қорхона цехларида Япония, Жанубий Корея, Австралия, Италия, Таиланд давлатларидан келтирилган жажонга машҳур компанияларнинг йилига 600 минг донга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик линиялари ишчи-ҳизматчиларга ҳақиқий мададкор бўлмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоа аҳли барақали меҳнат қилиши учун қорхона раҳбарияти етарли шарт-шароитлар яратган: уларни махсус иш кийимлари, иссиқ овқат ҳамда транспорт воситалари билан бепул таъминлайди.

Ҳозирда тайёр маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Уларнинг сифати, импорт ўрнини бошичи, чиройли дизайни, нархларининг нисбатан арзонлиги сабабли хорижликларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.

ҲАММА МАВСУМГА МОС

АЗИЗ БОЛАЖОНЛАРИМИЗНИ ГЎДАКЛИГИДАН ТЎҒРИ КИЙИНТИРИШ, ЯЪНИ ИҚЛИМИМИЗ ОБ-ҲАВО ИНЖИҚЛИКЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА, МАВСУМГА МОС КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ТАНЛАШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Ўзоқ йиллардан бўён ички бозоримизни ўзининг фарзандларимиз учун мўлжалланган сифатли, кўркам, чидамли маҳсулотлари билан тўндириш йўлида самарали фаолият юритаётган «GUNCH» акциядорлик жамияти бунга яққол мисол бўла олади. Жамоа аҳли бугунги кунда боча ёшдаги болажонларимиздан тортиб, ўсмирларгача пальто, шуба, костюм-шмиз, плаш, сарафан, бош кийимлар каби 100 дан ортиқ турдан иборат чиройли дизайндаги кийим-кечаларни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг матолачилиги тикмоқда.

Цехларда юксак самарали дастгоҳ, машина, ускуна ҳамда жиҳозлар ишчи-ҳизматчиларнинг барақали меҳнат қилишлариға мадад бўлмоқда. Эътиборли томони, қорхона тadbиркорларининг саяй-ҳаракатлари, ички бозоримизни чуқур ўрганишлари асосида давлат буюртмаларини бажариш асосида меҳнат қилишди.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Истеъмолчилар ҳўқуқлари—қонун ҳимоясида

ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

ХАЛҚИМИЗДА: «ЎЗ УЙИНГ—ЎЛАН ТЎШАГИНГ», ДЕГАН НАҚЛ БОР. МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ СИФАТИДА ҚАДР ТОПИБ КЕЛАЁТГАН УШБУ ҲИҚМАТ ЗАМИРИДА ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ ЁТАДИ. ЗОТАН, КИМДИР КҮН БЎЙИ ЎЗИГА ЯРАША ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТДАН СЎНГ, ЯНА КИМДИР ИЛМ ОЛИШДАН ТОЛИҚҚАНИДАН СЎНГ УЙГА ШОШИЛАДИ.

Аммо уйдаги коммунал хизматларга ҳос носозликлар—томдан чакка ўтиши, чирокнинг беҳосдан ўчиши, иситиш тизимининг маромида ишламаслиги кишининг кайфиятига таъсир этади, аҳоли соғлиғига жиддий путур етказиши. Шу боис Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси томонидан Вазирил Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тadbирлари тўғрисида»-ги Қарори ҳамда «Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда шаҳримизда фаолият юритаётган ҳўсуий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти билан яқиндан танишиб чиқилмоқда.

—Танишиб жараёнида 2069 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти яқиндан ўрганилиб чиқилди,—дейди Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш худудий бирлашмаси раиси вазирасини бажарувчи Б.Абдуқўмов. — Айтиш мумкинки, бу борада қарорлар талабларидан келиб чиққан ҳолда уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан худудларнинг санитария ҳолатини ахшилаш,

03-03 ЎРГАНИҚ ДОМО БУЛАД...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Кўнглунг ичра нафас кибидур роз,
Қайтмас кимсадин чу чикти нафас.

Кому нашогу айш ба хосон насиб шуд,
Аз мо ба ғайри меҳнату дарду боло

мапурс.

Бахту шодлигу роҳат хосларга насиб бўлди, биздан дарду машаққату балодин бошқасини сўрама. Китоб он кас, ки аз кас орият жуст, Макун э-ахли хирад, дигар шумораш. Ки хаст он мўниси маҳбуб касро Гаҳе андар бағал, гаҳ дар канораш. Чи аблах мардаке бошад, ки гўяд, Ба ман деҳ чанд рўзе мустаораш. Бировдан қарзга китоб олган кишини оқил деб ҳисоблама, унга бошқа таъриф керак. Чунки китоб кишининг дўсти ва севгилиси бўлиб, уни гоҳ кўлтиги, гоҳ кучоғига олади. Бинобарин, у қандай аблах кишики, бир неча кун фойдаланиш учун менга (китобингни) бериб тур, дейди.

Киши гар кўксини юз пора қилсун,
Фалак бедодига не чора қилсун?

Киши кўксини юз пора қилса ҳам, тақдир зарбасига чора тополмайди.

Лола-ю гулким совурур девбод,
Кўйса бўлурму анинг отин жавод?

Лола-ю гулларни тўкиб юборувчи қаттиқ шамолнинг ишини саҳийлик, яхши иш деб бўладими?

Лек мундин кўп совуқдур, ашк тўкмак

зўр ила,

Дай елида қатра-қатра муз томизгон

ел каби.

Ёлғондан йиғлаш (шайтонлик) ҳар нарсадан ҳам совуқдир. Бундай кўз ёши қишда муздан эриб тушган томчилардан ҳам совуқроқ.

Лутфу қарам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногўзир.

(Болаларга) меҳрибонлик, юмшоқлик яхши бўлса ҳам, ўрнида қаҳру сиёсат ҳам керакли чорадир.

Лоф аро эрмен деган эрму бўлур?
Келмас ишни илқидин дерму бўлур?

Эр кишиман деб лоф урган киши эр бўлавермайди. Эр киши қўлидан келмайдиган ишни қиламан демайди.

Лаим фарқиға иқбол тожини қўймоқ,
Якинки, бўлғусидур муҳибга азоби анинг.

Хасиснинг бошига иқбол тожини кийдириш унинг азобга қолишига сабаб бўлади.

Лаълдек бошим осилсун гарқани

хуноб ўлуб,

Лаъл тиккан салтанат тожиге бўлса

рағбатим.

Лаъл (қизил рангли қимматбаҳо тош) қадалган подшоҳлик тожига заррача қизикшим бўлса, лаълдек қип-қизил қонга беланиб, бошим осилсин.

Лайли дардидур Мажнунга махсус.

Лоф аз дониш нест ба жуз нодони,
Донишани жаҳл илм шуд то дони.

Мушқил ба худат кор чаро гардонин,
Чун бошад яқ нею ҳазор осони.

Илму маърифатдан лоф уриш нодонликдан бошқа нарсасиз. Агар билсанг, нодонлиқни билишининг ўзи илмдир. Нима учун ўз ишининг мушқуллаштирасан, чунки битта «йў»дан мингта осонлик юзга келади.

Моддаким бермаса марҳам кушод,
Ништар-ўқ айлар анга дафъи фасод.

Агар ярага маҳкам ёрдам бермаса, унинг чораси ништардир.

Моласиз ултухми, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яқсон сочар.

Деҳқон уруғини мола босмай эккан, ҳар қанча диққат билан тикса (сочса) ҳам, у эккан сувни тенг ичмайди. Яъни эккан яхши бўлмайди.

Маъдани инсон гуҳари сўздур,
Гушгани одам самари сўздур.

Инсоният қонининг қимматбаҳо инжулари ҳам сўздир. Одамият чаманзорининг меваси ҳам сўздир.

Масканнинг истар Навоий нася жаннат

ахли зухд.

Сўфилар жаннатни истасалар, Навоий сенинг (маҳбубининг) турар жойингни излайди.

Мевага мағз ўлса, бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.

Меванинг мағзи ва пўсти бўлганидай, кишининг ҳам душмани, ҳам дўсти бор.

Меҳнат аро ҳар кимки, таҳаммул йўқ анга,
Тарвижга мутлақо тахайюл йўқ анга.

Кимки меҳнатга чидамсиз бўлса, унинг ишининг ривожланиши тўғрисида ўйлаш ҳам мумкин эмас.

Меҳрки, равшанлик этар фаш ани,
Кимки гунаҳ кўрмаса хуфшо ани.

Ҳар ёққа ёруғлик сочувчи қуёшни кўршапалак кўрмаса, бунга ким гуноҳдор.

Мил уза чикмоқ ангамим воядур,
Чикмоқу тушмалик анга поядур.

Минорага чиқишни истовчиларнинг мартабаси чиккиш ва тушишдир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

НИХОЯТ МИЛЛИОНЛАБ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ ОРЗКИБИ КУТГАН КҮН ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИ.

БУГҮН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТНИНГ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ 1-ТУР БАҲСЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ.

Олий лиганинг 16 жамоаси ғолиблик учун кураш олиб борадиган XVI миллий чемпионатда пойтахтимиз шарофтини тўрт жамоа — «Пахтакор», «Трактор», «Локомотив» ва «Қурувчи» футболчилари ҳимоя қилишади.

Пойтахт жамоалари жорий йилги мавсумга қай тариқа тайёргарлик кўришиди, клубларда қандай ўзгаришлар юз берди, командаларни қимлар тарқ этди-ю қайси футболчилар келиб қўшилди? Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида биз жамоалар мураббийлари билан суҳбатда бўладик.

«ПАХТАКОР» ЯНА ЧЕМПИОН БЎЛАДИ


— Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор»нинг жорий йилги чемпионат баҳсларида ҳам ғолибликка интилиши табиий ҳол, — дейди бу ҳақда бош мураббий Равшан Хайдаров. — Аввало, клубимизга маҳоратли ёш футболчилар жалб этилган. Бундан ташқари январь ойида Москвада МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари турнирида муносиб иштирок этиб, гала-ба қозонган ҳолда юртимизга қайтганимиз шогирдларим руҳини кўтариб юборди. Бирлашган Араб Амирикларида, Туркияда уқув-йигини машғулотида иштирок этдик. Дарвоқе, ўтган йилнинг декабридан бошланган машғулотлар давомида Владикавказнинг «Алания», Қозғистоннинг «Октем» жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари уюштирилди. Жамоамизда жиддий ўзгаришлар юз бермади. Фақатгина ҳужумчи Зайниддин Тоқиев Эронга кетди, ҳимоячимиз Бахтиёр Ашурматов олий лиганинг янги вакили «Қурувчи» тарқибига ўтди. Ҳозирча қуйидаги футболчилар асосий тарқибдан ўрин эгаллашган.

«ПАХТАКОР» ТАРКИБИ

Дарвозабонлар — Игнатий Нестеров, Тимур Жўраев. Ҳимоячилар — Илхом Суянов, Александр Клецков, Асрор Алиқул, Исроил Иномов, Максим Белих, Камолиддин Тоқиев, Ахрор Рискүллаев. Ҳужумчилар — Леонид Кошелев, Сергей Желаров, Тимур Копадзе, Владислав Кириян, Вячеслав Пономарёв, Ренат Байрамов, Элдор Магдеев, Денедик Опар, Анзур Исмоилов, Одил Аҳмедов. Ҳужумчилар — Анвар Солиев, Ихороуме Уче, Фарход Тоқиев, Шахбоз Эркинов. Бош мураббий — Равшан Хайдаров. Клуб вице-президенти — Самвел Бабаев. Мураббийлар — Анвар Рашидов, Марко Елинич, Сергей Ковшов, Денис Иванков.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР ЁШЛАРГА ҚАРАТИЛАДИ

— Жорий йилда асосий эътиборни



АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ

ёшлар ўйинини шакллантиришга қаратамиш, — дейди «Трактор» жамоаси бошлиги Вадим Абрамов. — Чунки «Трактор»нинг ёш умидли футболчиларидан бир нечтаси Ўзбекистон олимпия терма жамоасига номзод саналади. Олимпиячиларнинг мақсади 2008 йилда Пекин шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси чемпионатда ўз мухлисларини ранжитида, демокчи эмасман. Аксинча тракторчиларга ҳам чемпионатда, ҳам халқаро турнирларда яхши ўйин намойиш этишларига тўғри келишини таъкидлаб ўтаман. Дарвоқе, жорий йилги мавсумга «Трактор» футболчилари жиддий ҳозирлик кўришди. Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги турнирида ярим финалгача етиб борган шогирдларимдан умидим катта. Шу кунгача Қозғистоннинг «Октем», Тошкентнинг «Локомотив» ҳамда Ўзбекистон олимпия терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари уюштирилди. Жамоамизни ҳужумчи Илхом Мўминжонов тарқ этди. Аммо, «Трактор»га турли жамоалардан умидли ёш чарм тўп усталари қўшилди.

«ТРАКТОР» ТАРКИБИ

Дарвозабонлар — Азиз Ашуров, Андрей Петросян. Ҳимоячилар — Баҳром Йўлдошев, Александр Кожухов, Виталий Почуев, Рустам Бокиев. Ярим ҳимоячилар — Баҳодир Қодиров, Тимур Айзатулов, Музаффар Умрзоков, Ренат Айзатулов, Виталий Воронцов, Садриддин Тошматов, Азиз Иброҳимов, Сергей Баканов. Ҳужумчилар — Павел Соломин, Рустам Тешабоев, Карлен Абрамов, Иброҳим Раимов. Бош мураббий — Марат Мифтахутдинов. Жамоа бошлиги — Вадим Абрамов. Мураббийлар — Евгений Валицкий, Хусниддин Мирхамидов.

МАҚСАДИМИЗ — СОВРИНДОР БЎЛИШ

— Ўтган йили нотекис ўйинлар намойиш этиб мухлисларимизни бироз ранжитганимиз рост, — дея сўз бошлади «Локомотив» жамоаси бошлиги Қобил Юнусов. — Шу боис, жорий йилда мақсадимиз со-

вриндор бўлиш, камида кучли олтиликдан ўрин эгаллаш. «Локомотив» ўқув-йигини машғулотларини декабрь, январь ойларида Тошкентда ўтказган бўлса, февралда Таиланд мамлакатига сафар қилди. Тошкентда Қозғистоннинг «Ордабаси», пойтахтнинг «Трактор», «Қурувчи» жамоалари билан назорат ўртоқлик учрашувлари ташкил этилди. Маҳоратли ҳужумчи Илхом Мўминжонов ҳамда бразилиялик Эвертон Досчагос Ковалкентларнинг сафимизга қўшилиши ҳужум чизигини кучайтириши аниқ.

«ЛОКОМОТИВ» ТАРКИБИ

Дарвозабонлар — Артур Парвон, Рустам Аҳмедханов, Нодир Иброҳимов. Ҳимоячилар — Рустам Ералиев, Жамшид Хамроалиев, Алишер Усмонов, Саҳроб Жўраев, Саидкамол Акбаров, Улмасбек Икромов, Азамат Холматов, Учқун Қобулов. Ярим ҳимоячилар — Гулом Ҳалимтоев, Даврон Шоймардон, Хайдар Пирназаров, Рустам Юнусов, Абдуллатиф Абдуқодиров, Алишер Ниёзалиев, Азиз Хайдаров. Ҳужумчилар — Марсель Идиатуллин, Илхом Мўминжонов, Ойбек Усмоновжоев, Равшан Бозоров, Эвертон Досчагос Ковалкенте, Саҳроб Бердиев.

Бош мураббий — Равшан Мўминов, жамоа бошлиги — Қобил Юнусов. Мураббийлар — Вячеслав Солохо, Даврон Досумов, Рустам Аҳмедханов.

МУХЛИСЛАРИМИЗНИ ХУРСАНД ҚИЛАМИЗ

Олий лига дебютанти «Қурувчи» жамоаси фаолияти билан танишиш жараёнида клубга анча тажрибали мураббийлар ва футболчилар жалланганлигига гувоҳ бўлдик. Тўғриси айтиш керак, жамоа бош мураббийси Ҳикмат Эргашев билан суҳбатлашининг имкони бўлмади. Шу боис ҳам жамоа тўғрисидаги маълумотларни матбуот котиби Абдор Имомхўжаевдан олдик.

— «Қурувчи» жамоаси аъзоларининг мақсади, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз, — олий лигада кучлиларга муносиб қаршилик қилиш, ўзининг гала-

балари билан мухлислари кўнглини шод этиш. Командамиз аъзолари машғулотларни декабрдан бошлашган. Бир неча жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Январда эса «Қурувчи» футболчилари Қримда икки ҳафталик ўқув йигини машғулотида иштирок этиб қайтишди.

«ҚУРУВЧИ» ТАРКИБИ

Дарвозабонлар — Павел Бугало, Олег Беляков, Руслан Дадабоев. Ҳимоячилар — Сергей Лушчан, Абдумажид Тоиров, Тимур Яфаров, Александр Хвостунов, Бахтиёр Ашурматов, Абзал Азизов. Ярим ҳимоячилар — Рашид Фофуров, Янис Манзукас, Жасур Ҳасанов, Элёр Жаҳонов, Эркин Байдуллаев, Виталий Алекперов. Ҳужумчилар — Патрик Арбо, Андрей Кирихин, Мирғолиб Раимов.

Ақбар Йўлдошев

Ўзбекистон XVI миллий чемпионати (олий лига)

1-тур
1 март (пайшанба).
«Нефти» — «Насфа».
2 март (жума).
«Локомотив» — «Тўпаланг».
«Металлург» — «Пахтакор».
3 март (шанба).
«Андижон» — «Шўртан».
«Вобкент» — «Қурувчи».
«Трактор» — «Бухоро».
«Машъал» — «Навбахор-Н».
«Қизилқум-О» — «Самарқанд Динамо».
4-тур
15 март (пайшанба).
«Андижон» — «Нефти».
16 март (жума).
«Пахтакор» — «Трактор».
«Насфа» — «Вобкент».
17 март (шанба).
«Навбахор-Н» — «Қизилқум-О».
«Бухоро» — «Машъал».
«Тўпаланг» — «Металлург».
«Қурувчи» — «Локомотив».
«Шўртан» — «Самарқанд Динамо».

Футбол

ПЕКИН САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

ОСИЁНИНГ 24 ТА МАМЛАКАТИ ОЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ КЕЛГУСИ ЙИЛИ ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН НАВБАТДАГИ ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ФУТБОЛ БЕЛЛАШУВЛАРИГА ҚАТНАШИШ УЧУН САРАЛАШ МУСОБАҚАСИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧНИ БОШЛАДИ.

«F» саралаш гуруҳидан жой олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси «Пахтакор» марказий стадионида ўтказилган биринчи тур учрашувида Бирлашган Араб Амириклари футболчиларига қарши тўп сурди.

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари ўйинни кескин ҳужумлар билан бошлаб, 15-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Бу вазиятда «Нефти»дан терма жамоага жалб этилган Нодирбек Қўзибоев рақиб дарвозасини боши билан аниқ нишонга олди.

Дастлабки учрашувдаёқ мағлубиятга учрашни истамеган араблар футболчиларимизнинг ҳимоядаги хатосидан унумли фойдаланиб, 38-дақиқада

Абдулла Ҳасаннинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни тенглаштиришди. Бироқ биринчи бўлим якунланишига тўрт дақиқа қолганида Марат Бикмаев яна юртдошларимизни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида футболчиларимизда ҳисобдаги фарқни янада ошириш учун бир нечта кулай имкониятлар бўлди. Хатто пахтакорчи Одил Аҳмедов ҳакам томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажаролмади. Шундай бўлса-да, олимпиячиларимиз асосий рақиблардан бири устидан 2:1 ҳисобида зафар қучиб, дастлабки уч очкони қўлга киритди.

Боҳир БЕК

Мунажжим башорати

ТАЛАБЧАНЛИК ОМАД ЙЎЛИНИ ОЧАДИ

2 МАРТ, ЖУМА

Куёшнинг бугунги ҳолати одамлардаги ҳасадгўйлик ҳамда камчиликлар намоён этилишига сабаб бўлади. Баъзи бировлар мақсадсиз сарфланган қобилиятларини ачишиш ва афсус-надоматлар билан эслашади. Агар инсон ўзига қаттиқ талабчанлик билан қарашга одатланган бўлса, унинг қаршида юксак маънавий чўққилар йўли очилади.

Бугунги кунни фаолиятнинг у ёки бу турларини тез-тез алмаштириб, эркин режимида ўтказган маъқул. Зудлик билан аниқ қарорлар қабул

этишни талаб қиладиган ишлар билан шуғулланиш мақсада мувофиқ, Аксинча, танбаллик, тўкин-сочин зиёфатларда бўкиш таққилланади.

Нон ушқоқларининг ерга тўқилиши бугун саломатлигиниз ёмонлашини билдирувчи нохушлик аломати ҳисобланади. Устингизга парранда патининг тушиши эса, ишларингизда омаддан дарак берувчи яхшилик белгисидир.

БУГҮН:

— анча тез ва саз ўзингиз хал қила оладиган ишлар билан банд бўлишингиз;
— иходий қобилиятингизни намоён этиш;
— бевосита ўз бошлигингиз ва ҳокимият кучи-

га эга бўлган бошқа кишилар билан мулоқотда бўлиш;

— ҳар қандай муаммоларни хал этишининг ноёб усулларини топиш;

— пийда сайр қилиш, романтик саёхатларга йўл олиш;

— биринчи навбатда ўз омадингиз ҳақида қайғуришингиз тавсия этилади.

Тадқиқот ва суриштирув ишлари олиб бориш, бировлар сирини очишга интилиш, ҳуқуқот ва эски ирим-сиримларга ҳаддан зиёд аҳамият беришдан, таҳлилий фаолият билан шуғулланиш, режалар тузишдан ўзингизни тийинг.

Зарғалдоқранг, сариқ, оқ ва тўқ қизил рангли либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЎЛОНЛАР

ТЕНДЕРГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидида А.П.Хлебүшкина номи 22-Меҳрибонлик уйи спорт зали биносини капитал ремонт қилиш юзасидан тендер эълон қилади. Ўш бажариш билан қизқувчи даввоғарлар эълон қилган қундан бошлаб, бир ой муддат ичида бизга мурожаат қилишларини сўраймиз. Мурожаатлар қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак.

1.Мақсад ҳақидаги хат

2.Даввоғар ҳақида қисқача маълумот
3.Давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги сертификат нусхаси
4.Лицензия нусхаси
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри-700043, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 24-уй. Қўшимча маълумот олиш учун 22-Меҳрибонлик уйи директори Матлуба Алимонова Ахуновага қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 395-37-83, 395-72-35.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 3 апрел кунини соат 11:00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бектемир тумани суд ижроқиларининг 24.11.2006 йилдаги №4082/11-сонли ижро ҳужжатиға асосан хатланган қарздор «ПМК-5» МЧЖга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. «ИЖ- 2715011» русумли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АТ 667 бўлган, автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 400 000 сўм.

2. «ТИКО» русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АХ 430 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.

3. «Москвич-412» русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 АС 132 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 600 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Биллур кўчаси 53-уйда сақланмоқда.

2007 йил 3 апрел аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда автотранспорт воситалари 5, 8, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель ва 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларида савдоси давом эттирилади.

Республика Кўчмас Мулк Биржаси шунинг маълум қиладиги, 2007 йил 28 февралдаги «Тошкент оқшом» рўзномасининг № 39 (10.848) сонидеда эълон қилинган

2007 йил 27 мартдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда автотранспорт воситаси 2007 йилнинг 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрел, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24 май кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларида савдоси давом эттирилади, ўрниға

2007 йил 28 мартдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда автотранспорт воситаси 2007 йилнинг 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрел, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24 май кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларида савдоси давом эттирилади деб ўқил